

«Dunyoda ilmdan boshqa najot yo'q va
hech qachon bo'lmagays», *Imom Buxoriy*



IMOM BUXORIY SABOQLARI

№ 3
2020

ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal

2020-YIL – ILM, MA'RIFAT VA RAQAMLI
IQTISODIYOTENRIVOJILANTIRISH YILI

Ushbu sonda:

OLA HUQUQI
MAVZUSIDA
YANGI TADQIQOT

13

ALUDDIN
USMANIYNING
BILIM HAQIDAGI
QARASHLARI

4

MAHMUD
ZAMAKSHARIYNING
"KO'ZI OJIZGA
TASALLI" RISOLASI:
YANGI TOPILMA

8

NARSHAXIY –
BUXORO TARIXIGA
OID MA'LUMOTLAR

22

ALUDDIN ATTOR
SHAXSIYATI

44

MOTURIDIY VA
ISLOMIY E'TIQOD

62

IMOM
BUXORIY

BIZ
2000 – 2020
YOSHAMIZ!

Ушбу сонда:

| | |
|--|---|
| Шовосил ЗИЁДОВ. Оила ҳуқуқи мавзусида янги тадқиқот..... | 3 |
| Отабек МУҲАММАДИЕВ. Алоуддин Усмандийнинг билим ҳақидаги қараилари..... | 4 |

АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

| | |
|--|----|
| Зоҳиджон ИСЛОМОВ. Маҳмуд Замаҳшарийнинг “Кўзи ожизга тасалли” рисоласи: янги топилма..... | 8 |
| Усмонхон МУҲАММАДИЕВ, Ҳошимхон АМАНОВ. Маҳмуд Бухорий ва унинг “Ҳақоқиқул манзума” асари..... | 9 |
| Равшан ЭЛМУРОДОВ. Имом Мотуридий илмий фаолиятининг ислом илм-фанида тутган ўрни..... | 10 |
| Шарофиддин ЛАТИПОВ. “Муваатто”нинг ҳанафий мазҳабида тутган ўрни..... | 12 |
| Саиджамол МАСАЙИТОВ. Мовароуннаҳр уламоларининг мерос илмига қўйган ҳиссаси..... | 14 |
| Zarifjon PO‘LATOV. Ibrat asarlarda turizm va investitsiyaga oid qarashlar | 16 |
| Миродилло БОБОЕВ. Абу Юсуф илмий меросининг Марказий Осиё халқлари ҳаётидаги ўрни..... | 18 |

НОДИР МАНБАЛАР

| | |
|--|----|
| Мирзақул НОРҚОБИЛОВ. Саъдуддин Тафтазоний “Шарҳ ал-ақоид” асарининг ёзилиш тарихи ва ижтимоий зарурати..... | 19 |
|--|----|

ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

| | |
|---|----|
| Бахтиёр ЭРГАШЕВ. Наршахий – Бухоро тарихига оид маълумотлар..... | 22 |
| Sobirjon ISOQOV. Jorj Tomson hamda Reynold Hogning Vuxoro va Xivaga “tijorat safari” | 24 |
| Феруз БОБОЕВ. Хоразм воҳасида совет ҳокимиятига қарши курашнинг сўнгги босқичи (1925-1935 йиллар)..... | 26 |
| Наврўзбек РАХИМОВ. Совет даври тадқиқотларида Хоразм Халқ Совет Республикаси..... | 29 |
| Зуфар ҚОРЁҒДИЕВ. Бухоро лўлиларининг урф-одат ва маросимлари..... | 31 |
| Руслан АНЁЗОВ. Ўрта асрларда қарвон йўллари хизмат кўрсатиши тизими фаолиятида почта хизмати (Марказий Осиё мисолида)..... | 33 |
| Фаррух АКЧАЕВ. Жиззах воҳасида ақиқа билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар..... | 35 |
| Шокир ҒАФҒОРОВ, Ш.Р. РАВШАНОВ. Россия империяси даврида Туркистоннинг миллий мактаб ва мадрасалари (Фарғона водийси мисолида)..... | 36 |
| Санобар ДЖУРАЕВА. Қашқадарё вилояти Китоб тумани зиёратгоҳлари..... | 39 |
| Собир ИСМОИЛОВ. Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг пирлари..... | 42 |
| Лобар АСРОРОВА. Алоуддин Аттор шахсияти..... | 44 |
| Лола МУҲАМЕДЖАНОВА. Бухородаги 1917 йил 7 апрель воқеалари ва унинг тарихий фожияси..... | 46 |
| Миржалолхон АСАТУЛЛАЕВ. Вклад Узбекского народа в победу над фашизмом в годы второй мировой войны..... | 49 |
| Шербек РАВШАНОВ. Россия империясининг аҳолини кўчириши тарихий тажрибаси ва унинг Марказий Осиёга таъсири..... | 51 |
| Хусниддин ЖЎРАЕВ. “Туркистон тўплами” ва рус даврий матбуоти Туркистонга кўчирилган аҳолининг машғулоти ҳамда хўжалик фаолияти ҳақида маълумот берувчи манба (XIX аср охири – XX аср бошлари)..... | 55 |
| Одилжон ИНОМОВ. Қовунчи маданияти аҳолиси антропологик типининг шаклланиши..... | 57 |
| Саидакбар МУҲАММАДАМИНОВ. Бухоро амирлиги даврида яратилган айрим фатво тўпламлари ва уларнинг тарихий аҳамияти..... | 60 |

ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

| | |
|---|----|
| Шохрух АБДУРАСИЛОВ. Мотуридий ва исломий эътиқод..... | 62 |
| Шукруллоҳ ҚУРБОНОВ. Инсоният тараққиётида Ислам цивилизациясининг ўрни..... | 64 |
| Абдувоҳид ЎРОЗОВ. «Насх» оятлари ҳақида..... | 66 |
| Қурбон НУРБОЕВ. Самарқанд шаҳри эронийлари: дини, динга боғлиқ урф-одатларидан айрим жиҳатлар..... | 68 |
| Сойибназар КАРИМОВ. Ислам цивилизациясининг маънавий-руҳий асоси..... | 69 |

ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТ

| | |
|--|----|
| Фаррух ҚИЛИЧЕВ. Шахс экологик маданиятини юксалтиришида ислом дини ғояларининг аҳамияти..... | 72 |
| Жамшид ТОШБОЕВ. Ўрта Осиё халқлари давлатчилик тарихида трансформацион жараёнларнинг намоён бўлиши..... | 74 |
| Асрор ТУРСУНОВ. Восстановление духовно-культурного наследия узбекского народа в годы независимости (1991-2015 гг.)..... | 76 |
| Беҳзоджон МАЛИКОВ. АҚШ ва Францияда давлат хизматини ташкил этишининг ўзига хос хусусиятлари..... | 79 |

анлик)да, балки Европа идеалистик фалсафаси шаклланишида ҳам кам ўрин тутмаган (бу ўринда Я.Бёме ва Э.Свёденборглари эслаш кифоя). Шу боис барча диний мистиклар, жумладан, сўфийларнинг мақсади – Аллоҳни, Яхвени, Атманни руҳий, ички туйғу билан бевосита англаш, пировардида, Унга қўшилиб кетиш (нирвана)дир. Диний-мистицизм йўналишлари сингари тасаввуфий йўлнинг асосида ҳам маънавий покланиш ғояси (мужоҳада) ва инсонни камолотга етказиш ғояси ётар эди.

Мустақиллик шарофати туфайли тасаввуф, суфизм ва бошқа диний-фалсафий таълимотлар бўйича кўп тадқиқотлар олиб борилган ва олиб борилмоқда. Аммо, экологик маданият контекстида тасаввуф таълимоти кам ўрганилган. Ваҳоланки, бугунги кунда, яъни экоцид, биоцид хавфи ошаётган шароитларда диний мистика ва спиритуализмнинг маънавий-психологик эффекти инсонни истъомолчилик андазалари, гедонистик предметли кадриятларга муқобил йўллар (худди, замонавий энвайроментализмнинг примитив илк тарихий шакли сифатида) мавжудлигини асослаш учун ҳам зарурдир. Бинобарин, суфий-пантеист (инсонни Худо ва табиат билан уйғунлаштирувчи)лар Қуръонни, илоҳий догмаларни сўзма-сўз шарҳлашни рад қилиб, Яратувчини билишда илмнинг ўзи яхшироқ ёрдам беради деб ҳисобловчиларнинг асосий ғоялари кам сонли “танланганларни” таркидунёчилик, бойлик ва дунёвий неъматлардан воз кечиш эди**. Шу боис, тасаввуф тадқиқотчиси Н.Комиловнинг ҳам асосли таъкидлаганидек, тасаввуф Ўрта Осиё фалсафаси тараққиётидаги кўп асрлик тажрибаларни жамлаб, уни дин ва фалсафа, ҳикмат ва ваҳдат, калом ва ҳадис илмларини уйғунлаштирган илоҳий билимлар билан дунёвий илмларни боғлашга ҳаракат қилган [14: 13]. Айни вақтда, тасаввуфда кундалик-маиший гуманизм, яъни инсоннинг ўз яқинлари олдидagi масъулияти ҳақидаги қоидалар ҳам мавжуд бўлиб, бунда Имом Ғаззолийнинг “Хилват” ва “Узлат”га кириш ҳақидаги қарашлари диққатга молик. Унингча, тасаввуф йўлига киришдан олдин ҳар бир одам (эркак) оила аъзолари манфаатларига зарар етмаслигини ҳисобга олиши, шундай қилмасдан “узлат”га кириш гуноҳ [14].

Гарчанд, тасаввуф ёки бошқа диний-мистик таълимотлар пайдо бўлган вақтларда экологик вазият кескин бўлмагани са-

ҲОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Батанов Р. Социологические проблемы всистеме научно-атеистического воспитания. – Казань, 1997.
2. Радугин А. Введение в религиоведение. – М., 1998.
3. Колонцин В.И. Религиозное отчуждение. – Свердловск, 1987.
4. Самыгин С., Негипуренко В., Полонская И. Религиоведение: социология и психология. – Ростов на-Дону, 1966.
5. Гараджа В. Социология религии. – М., 1996.
6. Назаров Қ. Кадриятлар фалсафаси (Аксиология) –Т.: ЎФМЖН, 2004.
7. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. –Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 1993.
8. Хайруллаев М. Форобий: (Ҳаёти ва илмий мероси) Муҳаррир. М.Омон –Т.: Ўзбекистон, 1991.

бабли диний мистикада, хусусан, тасаввуфда экологик муаммолар аниқ қўйилишини излаш бироз мушкуллик туғдиради. Аммо, диний мистицизмда, тасаввуф тариқталарида комил инсон идеали кўринишидаги шахс экологик маданияти моделининг тарихий илдириларида бири сифатида ҳамма вақт долзарб бўлиб қолади. Айрим минтақаларда, хусусан, Марказий Осиёда диний кадриятларга сингиб кетган тасаввуфнинг бугунги кундаги энг асосий маънавий аҳамияти – бу унинг истъомолчилик стереотипларига қарши кучли психологик тўсиқ эканлигидадир.

Шунинг учун, масалага шундай умумий тахлитда, аммо дифференциал тарзда ёритиш мақсадга мувофиқ. Айни вақтда, Марказий Осиё мутасаввифларини сунъий ирригацияга асосланган деҳқончилик ишлаб чиқаришининг асосий соҳаси бўлганлигидан экотизим, табиий муҳит масалалари, муайян даражада, диққатини тортган ва бу борада, ўз даври учун, таъсирчан ғоялар, идеаллар илгари сурилган. Масалан, Алишер Навоий ўзининг “Насоим ул-муҳаббат” асарида комил инсонга хос фазилатларни келтиради: тавба; ҳалол лўқма билан қаноатланиш; ўз касбини топиб кун ўтказиш; шариятга риоя қилиш; тариқат одобини сақлаш; барчадан ўзини кам деб билиш, ҳатто, фарзандлари, хизматкорларига қўполлик қилмаслик; ширин тил бўлиш; раҳмдил бўлиш, саҳий, мард, ҳалим, хушхулқ бўлиш; ризо, розилик билан кун ўтказиш; сабрли бўлиш; садоқатли, вафоли бўлиш; риёзат чекишдан қўрқмаслик; фавқулодда хислатлар кўрсатиш кабилардир. Буюк мистиклар, мутасаввифларнинг комил инсон концепциялари, иймон ва фаолият, бурч ва этиқод бирлиги, камсуқумлик ва ҳалоллик, табиат неъматларидан, моддий бойликлардан умумманфаатлари йўлида фойдаланиш ҳақидаги қарашлари юксак экологик маданиятга шахс идеалининг тарихий манбаси сифатида муҳим аҳамиятга эгадир.

Хуллас, экологик маданият соҳасидаги бўшлиқни, аниқроғи, вакуумни тўлдиришда диний кадриятлар ўзининг тарихий тараққиётида шахс маънавий камолотини юксалтириш, унинг ўз даврига хос яхлит экодиний дунёқарашини шакллантириш, табиатга, демакки, инсоннинг ўз-ўзига масъулликка йўналтирилган иродавий хусусиятларни шакллантиришга қаратилгани билан муҳим функцияларни бажариб келган.

9. Христианлик кадриятларини кескин танқид қилган, Худони “ўлимга” маҳкум этган Ф.Ницше ҳам араблар Испаниясидаги маданий ҳаёт ютуқларини юқори баҳолайди. (Қаранг: Ницше Ф. Антихрист // Сумерки богов. М., 1990. С..).
10. Абу Ҳомид Ғаззолий. Тафаккур китоби. –Т.: Ислам университети, 2007.
11. Хуршид Аҳмад. Islam: Basic Principles and characteristics. Международной Исламский университет, издание 1 марта 1995.
12. Бабаханов Ш. Становление хадисоведения и выдающиеся мухаддисы Средней Азии//В кн.: «Исследования по истории, истории науки и культуры народов Средней Азии». –Т.: Фан, 1993.
13. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. Моварануннаҳр, 2004.
14. Комилов Н. Тасаввуф. 1-китоб. –Т.: Ёзувчи, 1996.

ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ДАВЛАТЧИЛИК ТАРИХИДА ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

Жамшид ТОШБОВ
Жиззах ДПИ
ўқитувчиси

Муаллиф ушбу мақолада тарихий манбаларга таянган ҳолда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этишида муҳим аҳамият касб этган ўзбек давлатчилиги тарихи билан боғлиқ ижтимоий сиёсий жараёнлар ва уларнинг трансформацион кўринишлари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: Геродот, Плутарх, Страбон, қанғ, ҳарбий демократия, жабғулар, трансформациялашув, умумий демократик қонуниятлар.

In this article, author analyzes the socio-political processes and their transforming manifestations of the history of Uzbek statehood, which played an important role in building a civil society and a democratic state in Uzbekistan.

В данной статье автор анализирует общественно-политические процессы и их трансформирующие проявления истории узбекской государственности, которые сыграли важную роль в построении гражданского общества и демократического государства в Узбекистане.

** “Танланганлар” ёки кадриятларни яратувчи ижодкор озчилик эса, тарихан, миллий менталитетни, тарихий хотиранинг ҳам шакллантирувчиларидир. Ўзбек менталитетига хос камсуқумлик, ортиқча бойликни маънан қоралаш, кечиримчилик, мурасасозлик ва бошқаларда сўфийларнинг ўрни катта.

Мамлакатимиз жаҳонда ўз ўрни ва нуфузига эга бўлиб бораётган бир пайтда, ўзбек давлатчилигининг пайдо бўлиши ва ривожланиш бочқичлари ва қонуниятларини ўрганиш муҳим масаладир. Давлатчилик тарихга оид турли тилларда битилган асарларда қайд этилган воқеалар, йилномалар, келтирилган ҳужжатлар ва олиб борилган кенг қамровли археологик тадқиқотлар ўзбек давлатчилиги аъёнлари қадимий тарих ва узоқ тараққиёт йўлига эга эканлигини илмий асослайди.

Собиқ иттифоқ даврида давлат синфий жамиятининг маҳсули деб қаралганлиги боис юртимизда кечган сиёсий жараёнлар бир томонлама талқин қилиниб, давлатчилик аъёнлари тан олинмас эди. Шу сабабли Ўрта Осиё ҳудудида илк давлатларнинг қачон пайдо бўлиши масаласида ноҳолис ёндашувлар мавжуд бўлган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ҳудудидаги илк давлатчилик илдизлари воҳа давлатчилиги, шаҳар-давлатлар кўринишида бўлиб, улар милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмида пайдо бўлганлиги илмий асосланди [1: 3-10]. Бугунги кунда сиёсий жараёнлар фаол кечаётган бир пайтда, ўзбек давлатчилиги тарихида бир неча бора намоён бўлган трансформацион жараёнларни тадқиқ қилиш фуқаролик жамиятини барпо этишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўрта Осиё ҳудудидаги қадимги давр сиёсий тузуми масаласи улар ижтимоий-иқтисодий тузумининг қандай бўлганлиги билан ҳам боғлиқ. Туркий халқлар томонидан тарихда жуда кўплаб сиёсий тузилмаларга асос солинган бўлиб, уларнинг (мавжуд бўлган даври ва эгаллаган ҳудудларига кўра) санаб адоғига етиш қийин. Уларнинг ҳўжалиги ва сиёсий тузилмаси бутун тарихи мобайнида асл хусусияти ва моҳиятига кўра деярли ўзгармади. Шунга кўра, бир гуруҳ олимлар туркий халқлар тузган давлатлар вақтинчалик аҳамият касб этувчи қабила иттифоқлари тарзида мавжуд бўлганлигини таъкидлашади [2: 25-26].

Юртимизда кечган сиёсий тизимдаги трансформацион жараёнлар масаласи қадимги давр тарихчиларнинг асарларида ҳам акс этган. Антик давр муаррихларидан Геродот, скифларнинг ўз подшоси борлиги, Плутарх скиф подшоларидан, Иданфирс, Атея ҳақида, Страбон эса скифлар подшоси Сирм ҳақида маълумот бериб, уларнинг оддий кишилар эканлигини таъкидлайди [3: 76]. Ўрта Осиё чорвадор қабилалари сиёсий ҳаётида, ҳар бир кўчманчи қабиланинг тепасида ўз бийи туриши, бу қабила бошлиқлари уруш вақтида ҳарбий кўшинга кўмондонлик қилиши, бошқа қабила бошлиқларига тинчлик ёки иттифоқ тўғрисида элчилар юбориши ва ҳоқонлик тахтининг авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтиши қабилар доимо кузатилади.

Ўрта Осиё халқлари сиёсий ҳаётида мил. авв. VI аср ўрталарида массагетлар бошқа қабилалар орасида етакчилик ролини бажарган. Қадимги саклар бўйича маҳсус изланишлар олиб борган Б.А. Литвинский кўпгина сак қабилалари, жумладан Помир ва Яксарт орти сакларининг синфийлик белгилари мавжуд бўлган жамиятда яшаганлигини қайд этади [4: 194]. Массагет, сак ва усунларнинг ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ бу маълумотлар, уларда қабилалар иттифоқи кўринишидаги давлатчилик бўлганлиги ҳақидаги фикрни мустаҳкамлайди. Сак ва усунларнинг ўтроқ ҳаёт тарзи билан боғлиқ янги маълумотлар эса улар ҳўжалигининг тараққиёти билан биргаликда, ижтимоий муносабатларнинг ҳам ривож топганлигини кўрсатади.

Мамлакатимиз ҳудудида сиёсий жараёнлар фаоллашиб боргач қабилаларнинг ҳарбий иттифоқларга бирлаша бориши кучайган. Бу жараённи Ўрта Осиё ҳудудларидаги сиёсий тизим трансформациялашувининг кўринишларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Чунки бу даврда давлатчилик билан боғлиқ жараёнларда миқдорий ўзгаришлардан сифатий ўзгаришларга

ўтишни кузатиш мумкин. Маълумотларга кўра, хунлар жамияти 24 уруф бирлашмасидан ташкил топган бўлиб, ҳар уруғни алоҳида бошқарувчи оқсоқоли бўлган. Уруғ оқсоқоллари бир йилда уч марта йиғилиб қурултой ўтказганлар. Бу йиғинда муҳим давлат ишлари ҳал қилинган. Олий ҳукмдорни ҳам шу қурултойда сайлаганлар. Демак, хун подшолари ҳокимиятга сайлов йўли билан келган [5: 73]. Бундай тизимда қабилалар иттифоқи билан бирга бўйсундирилган қабилалар ва иттифоққа асос солган, етакчи қабиланинг ҳам бўлиши характерли бўлган. Академик К.Шониёзов юнонлар босқини арафасида “Тошкент воҳасида мавжуд бўлган сак (шақ)лар қабила бирлигини саркарда бошқарган бўлиб, бу, ўз навбатида, қабила ва уруғ бошлиқлари оқсоқолларидан ташкил топган кенгаш йиғинида сайланган иқтисодий ва сиёсий масалалар ҳам шу кенгаш йиғилишида ҳал қилинган” [5: 30-31], деб таъкидлайди.

Тўнғич Хан сулоласи тарихида (мил. авв. 202-225 йиллар) Қанғўй подшоси мамлакатни бошқаришда ўз оқсоқоллари билан маслаҳатлашиб иш тутганлиги эслатилади. Қанғ давлатида Кенгаш муҳим роль ўйнаб, унда қабила бошлиқлари, ҳарбий саркардалар фаол қатнашганлар ва уларнинг фикри ҳал қилувчи кучга эга бўлган [5: 31]. Кўплаб ўлкаларни ҳам ўз тасарруфида сақлаган подшо саройи қошида Кенгаш мавжуд бўлиб, унинг ички ва ташқи сиёсати ва бошқа давлат ишларидаги муҳим масалалар ана шу Кенгаш мажлисида маслаҳат билан ҳал қилинган. Аниқроғи, подшо ҳокимияти маслаҳат мажлиси билан чегараланган.

Турк хоқонлигининг бошқарувида икки хил тизим мавжуд эди. Улар тобе ўлка ва вилоятларнинг айримлари бошқарувида тайинланган ҳукмдор хонадонга мансуб вакиллар ҳокимияти ва бўйсундирилган баъзи ўлка ва вилоятларда мавжуд маҳаллий сулоалар сақланиб қолган ва улар хоқонликка ўлпон тўлаб турганлар. Хоқон эса маслаҳат мажлиси билан ҳамкорликда иш юритган. Бу бошқарув усули тарихда ҳарбий демократия принциплари асосида ташкил топган давлат тизими деб ном олган [6: 167]. Хоқонлик даврида даврда унга қарашли ерлар бир неча вилоятдан ташкил топиб, уларни жабғу (ябғу)лар бошқарган. Жабғулар одатда, хоқонларга яқин кишилардан тайинланган. Вилоятларни бошқариш эса маҳаллий ҳокимликлар тасарруфида қолдирилиб, улар хоқон тайинлаган туданлар назоратида марказий ҳокимиятга мунтазам солиқ (бож) тўлаб турган. Турк хоқонлиги даврда Ўзбекистон ҳудуди ички бошқарувида кўра мустақил бўлган бўлса, араблар босқини бу бошқарув тартибларига зарба берди ва кейинчалик унинг мустақил мулк сифатидаги мақомини йўқотди.

Қадимги туркий афсоналарда айтилишича, давлатчиликнинг маркази, ҳокимиятни ўз қўлида бирлаштирувчи шахс хоқон ҳисобланган. Бошқарувда хоқонлиқнинг ҳукмрон сулоласи асосий бўлиб, у учта куч – осмон, ер-сувнинг куч ва ирода-си ҳамда турк халқининг яратувчанлик фаолияти туфайли юзага келтирилган [7: 196]. Ўрта асрларда ҳам ҳарбий бошқарувчи хоннинг ўзи ҳисобланиб, қабила иттифоқлари бўлмаган пайтлари хоқон оқсоқоллар кенгашида сайланган. Сайланган киши руҳонийнинг тавсияси билан шохлик унвонини қабул қилган. Бунда ҳукмрон унвонидан ташқари янги давлат ёки иттифоқ учун ном ҳам қўйилган.

Демак, аждодларимизда ҳокимиятини бошқаришда умумий демократик қонуниятлар мавжуд бўлган. Бироқ, вақт ўтиши билан амалда бўлган ҳарбий қабила иттифоқи тарзидаги тузум давр талабига мос келмай қолаётган эди. У қабилаларни тўлиқ химоя қилишга қодир эмас эди. Бу пайтдаги ижтимоий сиёсий жараёнлар ҳам жамият сиёсий муносабатларига катта таъсир кўрсатади. Юртимизда давлат вужудга келиши оқил, жасур, ишларида омадли бир қабила бошлиғининг ўз қабиласи ва кейин бошқа, кўшни элатларни бўйсундира олган сардорнинг етишиби

чиқиши билан боғлиқлиги кўп кузатилган. Ягона сардор бошчилигида бир нечта қабилани бўйсундирган бир уруққа мансуб етакчилар бошқа қабилаларни ҳам турли хил усуллар билан иттифоқчиликка киритишган. Ноқулай табиий шароит ёки турли хил юкүмли касалликлар натижасида, чорва молларининг қирилиб кетиши каби ҳолатлар, бошқа қабилаларнинг бундай иттифоқларга ихтиёрий киришига сабаб бўлган. Бу бирлашув кўпинча ҳарбий иттифоқлар шаклида бўлиб, унинг йиқилиши эса ўзаро низолар, уруф ва қабилаларнинг мустақиллик учун интилишининг тобора кучайиб боришига сабаб бўлган.

Шундай қилиб, мил. авв. I минг йиллик ўрталарида пайдо бўлган ҳарбий демократия кўринишидаги сиёсий тузум ўрта асрларгача амалда бўлган. Қадимий анъаналар асосида жамиятни бошқараётган қабила-уруф оқсоқоллари, тудун, тархан ва ҳоқонлар ўз қўли остидаги одамлар сони ва яйловларини аниқ билишган. Бундай яшаш тарзи ва кўчманчилар жамиятидаги бошқарув тартиблари минг йиллар мобайнида деярли ўзгаришсиз сақланиб қолган. Бу ҳақда Заҳириддин Бобур ёзганидек, "Мўғул дастури била туғ боғладилар... Мўғул орасида Чингизхоннинг тузуки холоғача Чингизхон ясаб қўйғондек ўқтир" [8: 90].

Ўрта асрлар айниқса, шайбонийлар даврига келиб сиёсий тизимда трансформацион жараён ўзига хос тарзда кечган. Бу даврда олдинги бошқарув тизимидан фарқли равишда жамият сиёсий тузилмаси хон ёки султон, давлат арбоблари, ҳокимият вакиллари – ноиблар, бий, оқсуяклар – аслзода уруф вакилларига мансуб оилалар, чопарлар, чокарлар, қора(суяк) – оддий чорвадорлар-йилқичи ва чўпонлар, бойларнинг хўжалигида хизмат қилувчилар, аслзодаларнинг хизматкорлари ва қуллардан иборат ижтимоий-сиёсий таркибдан иборат бўлган. Бундан ташқари алоҳида савдогарлар, маънавият вакиллари, мулла, бахши каби ижтимоий гуруҳ вакиллари ҳам бўлган.

Ватанимиз ҳудудида даштдан кириб келган кўчманчи ўзбекларнинг давлат бошлиқлари хон бўлишган ва улар билан бирга кириб келган қабила бошлиқлари, руҳонийлар, ўғлонлар

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Аскарлов А., Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд.: 1993.; Шайдуллаев Ш. Илк давлатларнинг археологик белгилари. Ўзбекистон тарихи. 2002й. № 3.
2. Моисеев В.А. К вопросу о государстве у казахов накануне и в начальный период присоединения Казахстана и России // Восток, N4, 1995.
3. Кшибеков Д. Кочевое общество. – Алма-ата.: Наука, 1984.
4. Литвинский Б.А. Древние кочевники «Крыши мира». – М., 1974.

ва султонлар давлатни бошқаришда муҳим роль ўйнаган. Хон давлат аҳамиятига молик бўлган бирор-бир тадбирни ўтказмоқчи бўлса, албатта, улар билан кенгаш қилган. Ўзбек хонлари давлатларида юқори давлат лавозимлари асосан икки қабила (уйғурлар ва қушчилар) оқсоқоллари қўлида эди. Кўчманчи ўзбекларнинг ҳарбий ишларида асосан Чингизхон давридаги ҳарбий тузум ва тамойиллар устувор эди. Чунончи, ўзбек қўшинларининг ўнг қанотини дўрман, тубаи, чимбой ва уйғур қабилаларидан иборат кўнгилилар, чап қанотини эса бурқутлар, қиётлар, қўнғиротлар, найманлар, қушчи, манғитлар, ушунлар, ийжанлар ташкил қилади. Бошқа қабила (тангут, утажи, укареш-найман, жат, хатаи, қарлуқ, кенагас, ички, туман-минг) ларнинг кўнгилилари қўшиннинг марказида бўлган. Шуниси диққатга сазоворки, баъзи ўзбек султонлари ўз қўшинларини бир тилда сўзловчи кишилардан ташкил қилишга уринган. Масалан, 1509 йилнинг қишида Шайбонийхон қозоқларнинг хони Суюнчхўжахонга қарши юришида Тошкент ҳокимининг 13 минглик кишисидан 10 минги фақат танланган ўзбек отличлардан иборат бўлган. XV асрнинг иккинчи ярмигача қозоқлар ўзбеклар билан бир халқни ташкил қилган ва улар орасида этник ва маданий жиҳатдан фарқлар кам бўлган [9: 14-15].

Хуллас, юртимизда яшаган аҳолининг ўзига хос бошқарув тартиблари бўлиб, бу ижтимоий-сиёсий муносабатлар кейинги даврларда янада сайқал топган, яъни трансформацион жараёнлар бу тизимда амал қилган. Лекин бу жараён сиёсий тизим ичида пайдо бўлган ва унинг элементларининг аксарият қисмини ўзида сақлаган. Шу боис Ўрта Осиё халқлари давлатчилик тарихида бошқарув шаклига хос анъаналар муҳим аҳамият касб этган. Бу бошқарув усули тарихда ҳарбий демократия принциплари асосида ташкил топган давлат тизими деб ном олган. Бу анъаналар асосидаги бошқарув тартиблари улкан ҳудудларни ягона тутумга келтириб тарқоқ элларни бирлаштирди. Манфаатлар муштараклигини таъминлади ва кейинчалик мустақил давлатчилик муносабатларининг шаклланишига замин ҳозирлади.

5. Шониёзов К.Ш. Қанғ давлати ва қанғилар. – Т.: Фан, 1996.

6. Аскарлов А.А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Т.: Университет, 2007.

7. Эшов Б. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи. – Т.: Маърифат, 2009.

8. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: 1990.

9. Элмуродов Н. Зарафшон воҳаси ўзбек халқи этник гуруҳлари. Ўқув-услубий қўлланма. – Самарканд: СамДЧТИ наشري, 2008.

ВОССТАНОВЛЕНИЕ ДУХОВНО-КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ УЗБЕКСКОГО НАРОДА В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ (1991-2015 гг.)

Асрор ТУРСУНОВ

Главный специалист Каршинского регионального филиала Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

В статье представлена информация о процессе возрождения духовного и культурного наследия узбекского народа в 1991-2015 гг.

Ключевые слова: ООН, Средней Азии, Имам аль-Бухари, ISESCO, Регистан, Алишер Наваи, Мирзо Улугбек, Амир Тимур, Ахмад Фаргани, Алпамыш.

Духовность каждого народа невозможно представить отдельно от его истории, присущих каждому народу традиций и обычаев, а также без его вечных ценностей. После обретения Узбекистаном независимости, возрождение национальной самобытности и развитие духовных ценностей в рамках мировой культуры стало одним из приоритетных направлений государственной политики. В этом процессе, конечно же, реформы первого Президента Узбекистана И.А. Каримова имеют боль-

The article provides information on the process of revival of the spiritual and cultural heritage of the Uzbek people in 1991-2015.

Мақолада 1991-2015 йилларда ўзбек халқининг маънавий ва маданий меросини тиклаш жараёни ҳақида маълумотлар келтирилган.

шее значение.

Как отмечал действующий Президент Узбекистана Ш.М. Мирзиёев: "История современного Узбекистана – это период чрезвычайно сложной и тяжелой борьбы за обретение нашей страной подлинной независимости под руководством Ислама Абдуганиевича Каримова. Он по праву является главным автором Конституции Республики Узбекистан, полностью отвечающей демократическим требованиям и международным